

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев рафикаси билан бирга давлат
ташрифи билан Хитой Халқ Республикасига келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган
"Шоу" халқаро аэропортда олий марта-
бали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф-
порди.
Давлатимиз раҳбарининг ХХР маданият ва
турizm вазирлиги Сунь Ели ва бошқа расмий
шахслар кутуб олдди.
Ташриф дастурига мувофиқ 24 январь
кунини Ўзбекистон етакчиси ХХР Раиси Си
Цзинпин билан музокаралар ҳамда Хитой-

нинг расмий шахслари ва ишбилармон доира-
лари вакиллари билан қатор икки томонлама
учрашувлар ўтказилди.
Кун тартибидан Ўзбекистон билан Хитой
ўртасидаги хар томонлама стратегик шерик-
лик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва
кент кўламли амалий ҳамкорликни кенгайти-
риш масалалари ўрин олган.

ЎЗА

Тараққиёт йўли

ИННСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАХКАМЛАШ АСОСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йилдаги илк давлат ташрифи
айнан Хитойга амалга оширилишида ҳам раъзий маъно бор.
Экспертлар фикрига кўра, ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликни янада
ривожлантириш, икки давлат муносабатлари тарихида ўзига хос
янги саҳифани очишга хизмат қилади.

Давлати 3-сентя

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон – Хитой: СИЁСИЙ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР – ЯНГИ ДАВРНИНГ МУҲИМ ПЛАТФОРМАСИ




Хитой Халқ Республикаси Раиси Си
Цзинпиннинг тақлифига биноан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг 23-25 январь
кунлари бўлиб ўтаётган давлат ташрифи
доирасида Пекин шаҳрида олий даражадаги
музокаралар ҳамда қатор икки томонлама
учрашувлар режалаштирилган. Кун
тартибидан давлатларимиз ўртасидаги
стратегик шериклик муносабатларини янада
мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни
кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг очик, дўстона, тинч-
ликпарвар сиёсатида ХХР билан ўзаро муносабатлар му-
хим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик алоқалари хар томонлама
стратегик шериклик асосида ривожланиб, доимий тақомил-
лашиб бормоқда. Икки ва кўп томонлама сиёсий, дипломатик
алоқаларнинг мўҳияти ва йўналишларини ўзаро ман-
фаатдорлик, минтақавий ва халқаро миньсдаги истиқболли
ҳамкорликка доир масала ва муаммоларни ҳал этишдаги ти-
зикли ёндашувларда кўриш мумкин. Бу жараён бутун янги
давринг кент қамровли стратегик шерикчилик йўналишла-
ри ва вазифаларидан келиб чиқмоқда.

Давлати 3-сентя

Ўзбекистон – Хитой: СИЁСИЙ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР – ЯНГИ ДАВРНИНГ МУҲИМ ПЛАТФОРМАСИ



Сайфиддин Жўраев,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланғич 1-бета

Шу билан бирга, Ўзбекистон — Хитой сармоявий ҳамкорлиги жадал ривожланиб, турли йўналишларда янада диверсификация қилинмоқда. Маълумотларга кўра, 2023 йилда Хитой Ўзбекистоннинг асосий сармоявий ҳамкорига айланиб, умумий сармоя ҳажми 11 миллиард АҚШ доллари-дан ошган. Бугунги кунга қадар жуда кўп ҳаётий ҳамда муҳим истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди ва давом эттирилмоқда. Улар орасида инфратузилма, кимё-саноати, энергетика, сув ҳўжалиги, транспорт, коммуникатсия ва бошқа соҳаларга оид лойиҳалар бор.

ЎЗARO ИШОНЧ УСТУВУВЧИ

Икки давлат ўртасидаги сиёсий дипломатик алоқаларнинг мунтазам ривожланиши ва самардорлигини белгиллаб берувчи асосий нукта юқори даражадаги ўзаро муносабатларнинг изчиллиги билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий ишонч, ваъдатларнинг стратегик баҳолашнинг янги тажрибаси ва асосий ташаббусларни илгари суришига эса бўлмоқда. Шунингдек, икки томон учун асосий аҳамиятга эга қарорлар ишлаб чиқишга олиб келувчи очик ва прагматик мулоқотнинг йўлга қўйилгани, давлат раҳбарлари ўртасида турли шакл ва форматларда учрашувлар ташкил этилиши самарали натижаларга олиб келипти.

Жумладан, 2017-2022 йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин кўп томонлама саммитларда учрашди, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро расмий ва амалий ташрифлари бўлиб ўтди, телефон мулоқотлари амалга оширилди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2022 йил сентябрда Ўзбекистонга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ва 2023 йилда Хитойга ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожига кучли туртки бўлди.

Сиёсий дипломатик алоқаларнинг мунтазамлиги ва барқарорлигида икки давлат парламентлари ҳамда ҳукуматларининг фаол ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2017 йил май ойида Олий Мажлис ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ мулоқотлари йўлга қўйилди. Шунингдек, парламент делегацияларининг ўзаро таширфлари алмашинув доирасида Ўзбекистон Бош вазирининг Хитойга ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди, 2021 йил июнь ойида ҳукумат раҳбарининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. 2022 йил август ойида эса онлайн тарзда Хитой Ҳукуматлараро қўмитасининг 6-мажлиси ташкил этилди. 2023 йил октябр ойида Бош вазир Абдулла Арипов XIX Оснэ ўйинларининг ёпилиш маросимида иштирок этиш учун Хитойга ташриф буюрди ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазирини Цзи Чан билан учрашди.


“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” — САМАРАДОР ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси 2013 йилда Хитой ҳукумати томонидан 150 га яқин давлат ва халқаро ташкилотларга



Ўзбекистон кўп томонлама муносабатлар, бошқача айтганда, ташаббус доирасида иштироки давлатлар билан савдо-иқтисодий, инвестициялар, транспорт соҳасидаги имкониятлардан биргаликда фойдаланиш ва тақомиллаштириш, замонавий иқтисодий дипломатияни ривожлантиришнинг механизмларини шакллантиришга қўлайликлар яратмоқда. Хусусан, ҳар бир мамлакатга барча шериклар билан муносабатларда имтиёزلардан фойдаланиш имконини берадиган механизмлар асосида халқаро ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон учун Хитой ташаббуси доирасида амалга оширилаётган ишлохларнинг мантқий давом улкан ҳудудда давлатлар билан мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланиш, мавжуд тўсиқларни биргаликда ечиш ва истиқболдаги ҳаракатларни ўзаро ҳамкорликда ва биргаликда мувофиқлаштириш руҳи жозибали ҳисобланади. Бу иқтисодиётнинг янада очик, инклюзив, қўлай, мувозанатли ва сармоя киритиш учун қабул қилинган глобал инфратузилмани ривожлантириш стратегияси ҳисобланади. Мазкур дастур Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан йўлга қўйилган. Бундан қўзланган асосий мақсад Буюк ипак йўли чорраҳасида кесилган қўшни давлатлар билан ҳамкорликда



“иқтисодий камарни қўриш”дан иборат. Ушбу ташаббусда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда ўзаро умумий манфаат тамойили ҳамоҳанглик қилимоқда.

Халқаро донрада Буюк ипак йўлининг замонавий қўриғини сифа-

ўзаро манфаатли йўналишда ҳаракатланишга ёрдам бермоқда.

Мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ва доимий равишда эътибор қаратиб келинаётган ўзаро боғлиқлик концепциясини амалга ошириш, Марказий Осиё ва ташаббус иштирокичи-



“Бир макон, бир йўл” ташаббуси 2013 йилда Хитой ҳукумати томонидан 150 га яқин давлат ва халқаро ташкилотларга сармоя киритиш учун қабул қилинган глобал инфратузилмани ривожлантириш стратегияси ҳисобланади. Мазкур дастур Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан йўлга қўйилган. Бундан қўзланган асосий мақсад Буюк ипак йўли чорраҳасида кесилган қўшни давлатлар билан ҳамкорликда “иқтисодий камарни қўриш”дан иборат. Ушбу ташаббусда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда ўзаро умумий манфаат тамойили ҳамоҳанглик қилимоқда.

тида баҳоланаётган ва давлатимиз раҳбари томонидан “Халқаро ҳамкорлигининг янги модели” сифатида қорлиқнинг янги модели” сифатида эътироф этилган “Бир макон, бир йўл” дастури минтақалар ўртасидаги умумий тараққиёт ва фаровон-ликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ҳамда очик платформага айланиб бормоқда.

лари билан қўша лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу ташаббусларни илгари суришда халқаро майдон сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада минтақанинг транзит салоҳиятини ишга солиш, жумладан, Хитой — Марказий Осиё — Жануби-ғарбий Осиё иқтисодий коридорини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача

айтганда, ташаббус доирасидаги ўзаро ҳамкорлик бутун дунёда, хусусан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг муҳим йўлига айланишига янги шароитларни вужудга келтираётгани билан фарқланади.

ШХТ ФАОЛИЯТИДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЎЗГАРИШЛАР

Хитой ва Ўзбекистон ШХТнинг таъсисчилари сифатида кўп йиллар давомида бошқа аъзо давлатлар билан ташкилот доирасида хавфсизлик, иқтисодиёт, савдо ва мутахассислар алмашинуви каби турли соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштироки ва фаолиятини доимо юқори баҳолаган. Бунини Ўзбекистон илгари сурган ташаббус ва тақлифлар Хитой томонидан мунтазам қўллаб-қувватланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, ташкилотнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган саммитида, янги халқаро тартиботлар ўрнатилаётган шароитда мулоқот ва ҳамкорлиқнинг янги модели шаклланишини бошлаб берди. Ўзбекистон томони манфаатли ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида ўзаро савдонинг ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш, инфратузилмани, саноат кооперациясини ривожлантириш, яшил ва рақамли трансформацияни жадаллаштириш, юқумли касалликлар, иқлимнинг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш масалаларини кун тартибига қўйди. Ўз навбатида, саммит бу масалаларни ечишга қаратилган муҳим стратегик ва концептуал аҳамиятга эга 44 та ҳужжатни қабул қилди.

Ўзбекистон ШХТ фаолияти янги ривожланиш босқичига чиқишга сабаб бўладиган трансформацион ўзгаришларни бошлаб берди. Дунёда вазият борган сари мураккаблашиб, айрим давлатлар ўртасида келишмовчилик, ҳарбий-сиёсий можаро авжига чиқаётган вазиятда ташкилотни ўзаро очик ва конструктив мулоқотга асосланган ҳамкорлик платформасига айлантирди. Ташкилотдаги “Шанхай руҳи”га ҳамоҳанг “Самарқанд руҳи”ни олиб кирди. Ўзбекистоннинг ташкилот доирасидаги саяё-ҳаракати дунёдаги вазиятни прагматик тушунишга туртки берди. Саммит доирасида Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлик ташаббусининг қабул қилиниши тинчликни таъминлаш, бақли қат ташкилотга аъзо давлатлар, балки бутун Евроосиё минтақаси ривожланишига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишда янги даврнинг муҳим платформаси сифатида стратегик аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа қўллаб-қувватлаш қараб олган. Ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Стратегик шерик ўртасида манфаатларни ҳисобга олиш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, бир-бирига босим ўтказмаслик каби қадриятлар устунилик қилмоқда.

Ййлаимизки, навбатдаги юқори даражадаги учрашув эришилган натижаларни стратегик таҳлил этиш, давлатларимиз ўртасидаги муҳим келишувларни амалга ошириш, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, янада мустаҳкамлашда муҳим пойдевор бўлади.